Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 291 (4689).
24 ДЕКАБРЬ 1981 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«СССР 60 йиллигига—60 зарбдор ҳафта»—«Главташкентстрой» 153-трестига қарашли 39-қурилиш бошқармасининг энг яхши бригадаларидан бири — Раҳим Зиёев бошлиқ қурувчилар ана шу шиор остида баракали меҳнат қилмоқдалар.

Улар Абдуллаев кўчасида 200 ўринли тўрт қаватдан иборат ётоқхонани бунёд этмоқдалар.

БУГУН

бригада меҳнат аҳли объектда умумий қурилиш ишларини белгиланган муддатидан ярим ой илгари тугаллашга эришди.

Бригаданинг барча аъзоси смена топшириқларини 25—30 процентга ошириб адо этмоқда. Т. Раҳматуллаев, М. Абдуллаев, М. Файзиев каби қурувчилар шу кунларда 1982 йилнинг биринчи ярми ҳисобига ишлашяпти.

Мазкур объектда Пардозлаш трестининг 7-қурилиш бошқармаси бригадалари сайқал ишларини сифатли олиб боряпти. Улар ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият олганлар. Унда янги йилгача ётоқхонани фойдаланишга топшириш, пландан ташқари икки минг сўмлик қурилиш ишларини бажариш кўзда тутилган.

М. ФЕЛЬДМАН.

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида кўплаб пешқадамлар меҳнат қилиб келмоқда. Ана шундай илғорлардан бири коммунистик меҳнат зарбдори Миробид Файзиев бўлиб, у Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейи кунигача беш йиллик планнинг бажариш мажбуриятини олган. М. Файзиев кунлик нормасини 170 процентга етказиб адо этмоқда. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери ҳозирги кунда 1932 йилнинг ноябрь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: 10-босмахона цехининг илғор ишчиси М. Файзиев.

И. Шоиногомов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Туғилган кунининг етмиш беш йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев номига, КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, «Правда»га, бошқа газета ва журналларнинг редакцияларига, телевидение ва радиога эзгу тилаклар изҳор этилган кўплаб-кўплаб табрикномалар ва қутловлар келди. Ўртоқ Л. И. Брежнев табрик ва қутлов сўзлари йўллаган ҳамма кишиларга «Правда» саҳифасида астойдил миннатдорчилик ва самимий ташаккур изҳор этади.

● 22 декабрь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида давлат мукофотлари топширилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Г. М. Орлов мукофотланганларга Ғ. Ғ. Ғ. СССР орден ва медалларини топширди. Халқ хўжалиги илғорларидан, фан ва маданият арбобларидан катта бир группаси республика фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ҳамда кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини олди.

● Пойтахтимиз меҳмонлари

МАНЗУР БЎЛМОҚДА

«Ёш гвардия» театрида Татаристон давлат драма ва комедия театри коллективининг гастроллари давом этмоқда.

Меҳмонлар пойтахтимиздаги турли корхоналарда, олий ўқув юртларида ҳам қизғин учрашувлар ўтказишмоқдалар. Чинни заводида бўлган учрашувда Татаристон АССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби, А. Тўқай мукофоти лауреати, бош режиссёр Р. Тумашев, Татаристон халқ артистлари С. Исмоилова, Р. Мифтахов, М. Заббаров, С. Файзираҳмонова, А. Минулин, П. Шайхутдинов сингари икодкорлар қатнашиб, спектаклдан парчалар намойиш қилишди.

Театр коллективи бу гастролга янги саҳна асарлари билан келган. Гастроль афишасида тўртта музикали спектакль бўлиб, композиторлар С. Сайдашев, Ж. Файзий, С. Содиқовлар уларга музика басталашган.

Спектакллар Тошкент томошабинларига манзур бўлмоқда.

«Гуллар» ансамбли гулдастаси

Шу кунларда Тошкентдаги «Юбилей» Марказий спорт залида Москва давлат филармониясининг Стас Намин бошчилигидаги «Гуллар» рок группаси ўзининг дилрабо қўшиқлари билан томошабинларни хушнуд этмоқда.

Ансамбль 1974 йилда ўз фаолиятини бошлаб, шу йили Иттифоқ бўйлаб сафарга чиқди. Таллин, Олмаота, Киев, Ленинград, Фрунзе каби шаҳарларда гастролда бўлиб, санъат мухлисларининг эътиборини қозонди. Ансамбль «Хайрлашишга эрта», «Ким айбдор», «Ёмғирдан сўнг», «Гуллар», «Ҳа, дея қол» каби қўшиқлари учун конкурс лауреати бўлган.

Қувноқ, жўшқин куй ва қўшиқлари билан «Гуллар» ансамбли тошкентликларнинг олқишига сазовор бўляпти.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

● КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

● ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

● ЗАФАР РАПОРТЛАРИ

● *Улар йиллик планни бажардилар*

РОСТОВЛИКЛАР ТАШАББУСИ АСОСИДА

БУГУН

Собир Раҳимов район саноат корхоналари йил бошидан бери 240 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришди. Бу 1981 йил учун белгиланган план топшириғи ҳажмидан анча ортиқдир. Технологияни ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини жорий этиш туфайли иш самарадорлиги ошди: сўнгги йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,8, меҳнат самарадорлиги эса 9,6 процентга ўсди.

Маҳсулот сифатини ошириш йўлидаги кураш яхши самара берди. Айни пайтда районда барча саноат маҳсулотининг тўртдан бир қисмида фахрли беш киррали белги бор.

Индустрия фаолиятидаги муваффақиятга кўп жиҳатдан ростовлик ва янгийўлликларнинг «Қолоқларсиз ишлайлик!» ташаббуси асосида ташкил қилинган социалистик мусобақа туфайли эришилди.

«Тошкент» мебель бирлашмаси, бош кийимлар, кўн-галантерея буюмлари, кенг истеъмол буюмлари фабрикалари, «Турист» комбинати, ирригация бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси, 14-рельс пайвандлаш поезди ва бошқа корхоналар СССР 60 йиллигига бағишланган зарбдор вахтада шараф билан қатнашиб, йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бериб, шу кунларда беш йилликнинг иккинчи йили календари бўйича меҳнат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорларига зарбдор меҳнат билан жавоб бериб, район меҳнат коллективлари декабрь ойи охиригача 7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилишган. Бу йил бошида қабул қилинган мажбуриятдан 2,5 миллион сўмлик ортиқдир.

Пойтахтимиздаги нўпгина корхоналар қатори Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам шу кунларда «СССР 60 йиллигига— 60 зарбдор ҳафта» ҳаракатига қўшилиб фидокорона меҳнат қилмоқда. Ана шу корхонанинг 1-цехи чеварлари эришаётган муваффақиятлар қувончли бўлмоқда. Ушбу коллектив «Коммунистик меҳнат цехи» номи учун курашмоқда.

СУРАТДА: мазкур цехнинг илғор чеварларидан бири С. Пўлатова. У ойлик план-топшириқларини 120—130 процентга етказиб адо этяпти.

Р. Альбеков фотоси.

ЧИЛОНЗОРЛИКЛАР РАПОРТИ

БУГУН

Чилонзор район саноат корхоналари йил бошидан бери 85 миллион сўмлик халқ хўжалик буюмларини реализация қилдилар. Бу пландагидан анча ортиқдир. Йиллик мажбуриятларнинг бошқа бир муҳим банди ҳам бажарилди — 60 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди. Бу эса ўтган йилдагидан 5 процент ортиқдир. Буюмларнинг 80 та янги хили ўзлаштирилди.

Мусобақада қурувчилар ҳам катта ютуқларни қўлга киритишди. Йил охиригача пландан ташқари 13 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилади.

Чилонзорликлар жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошира бориб, 300 та технологик жиҳозларни ишга туширдилар, ишлаб чиқаришга 120 та ташкилий-техникавий тадбирларни жорий этдилар.

СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўраётган район меҳнат коллективлари декабрь ойи охиригача пландан ташқари 2,5 миллион сўмлик саноат маҳсулоти етказиб берадилар.

МЕҲНАТ БЕЛЛАШУВИ САМАРАСИ

СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги шарафига меҳнат беллашувини авж олдираётган 6-таксопарк ҳайдовчилари самарали ютуқларни қўлга киритишяпти. Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатаётган В. Комаров, А. Мелихов, А. Жабборов, И. Жўраев, И. Корноухов каби 120 ҳайдовчи ҳозирнинг ўзида 1982 йилнинг турли ойлари ҳисобига ишлашяпти.

Таксопаркда «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида бошланган социалистик мусобақага ҳафта сайин якун чиқарилмоқда. Жумладан дастлабки ҳафталарда В. Зайкин бошчилигидаги бригада ҳайдовчилари ғолибликни қўлга киритишган эди. Кейинги ҳафтада эса В. Локтев бригадаси биринчиликни қўлга киритди.

Меҳнат илғорларининг ташаббускорлиги туфайли коллектив ўнбир ойлик планга қўшимча 66,5 минг сўмлик фойда кўрди.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

БУГУН

1-уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш бошқармасига қарашли Александр Закусилов бошлиқ комплекс коммунистик меҳнат бригадаси бунёдкорлари Ким Пен Ҳва номли кўчада ҳар бири қирқ квартирадан иборат иккита беш қаватли турар жой биносини муддатидан ярим ой илгари фойдаланишга топшириш тахт қилиб кўйдилар.

— Уйсозларимиз, — дейди 2-қурилиш бошқармасининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Александр Шварц,— бу биноларни бунёд этишда бригада пудрати методи асосида ишлаб, ана шундай муваффақиятга эришдилар. Злобин методи асосида ишлаш уларга кунлик топшириқларини 120—25 процент ошириб адо этиш имконини берди.

Қурувчилар «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида беллашувни қизитиб ишламоқдалар. Янги йил арафасида А. Закусилов бригадаси мазкур комбинатнинг 21-бошқармаси сайқалчилари билан ҳамкорликда ҳар икки уйни ҳамшаҳарларимиз ихтиёрларига топширади.

● *Ўзбекистон—жаҳон даврасида*

МАДАНИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамияти серқуёш социалистик республикамиз меҳнаткашларининг совет ҳокимияти йилларида эришган ютуқларини жаҳон мамлакатлари даврасида намойиш қилиш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Куни-кеча чет эллардан ташкил этилган совет маданияти марказларидаги рус тилини ўрганувчи курсларнинг тингловчилари учун ажойиб туҳфа тайёрланди. Жазоир, Иордания, Сурия, Жанубий Яман, Марокаш мамлакатларидаги ана шундай курсларга ўзбек ёзувчиларининг нашр этилган сара асарлари алоҳида-алоҳида кўргазмалар ҳолида юборилди.

Бу кўргазмалардан атоқли ва таниқли совет ёзувчиси Шароф Рашидов, ўзбек адибларидан Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Зулфия, Шуҳрат, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов каби қатор авторларнинг китоблари ўрин олган.

Бундан ташқари чет эллардаги маданият марказларида намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон халқ амалий санъати кўргазмалари ҳам ҳозирланмоқда. Унинг экспонатлари яқин кунларда йўлга чиқади.

Бу кўргазма Риштон керамика заводида ишлаб чиқарилган нафис ва жарангдор лаган ва идишлар, Бухоро зардўзлик фабрикасида тикилган жозибали миллий кийимлар, республика бадиий буюмлар фабрикаларида тайёрланган чойшаблар, гулкўрпалар, залдеворлар ва бошқалардан иборат. Шунингдек совға буюми тариқасида ишланган ўзбек миллий чолғу асбоблари ва чиройли пақш билан безатилган буюмлар ҳам бор.

ХИЗМАТ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИБ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Марказий Универсал магазини коллективи 23 декабрда ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили товар оборотини планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Кенг қулоч ёйган социалистик мусобақанинг олдинги сафида атторлик, тўқимачилик бўлимлари, электр-товарлари, атирупа секцияларининг ходимлари боришяпти.

Бу йирик савдо корхонасига ҳар куни минглаб харидорлар келишади. Шу боисдан бу ерда қўшимча имкониятларни излаб топиш хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ийл бошидан бери кийимларнинг истиқболли моделларини, газламаларнинг ранг-баранг намуналарини сотиш бўйича ўндан ортиқ кўргазма ташкил этилди. Кўргазмаларга енгил саноат корхоналарининг вакиллари иштирокида ўтказилди. Бундай тадбирлар одатда буюмларнинг сифатини янада яхшилашга ёрдам берувчи савол-жавоб анкеталарини уюштириш билан якунланади.

— Республикамизнинг турли саноат корхоналари билан яқин алоқада бўлиш сезиларли натижалар беряпти.— дейди Марказий Универсал магазини директори Ҳ. Ҳ. Иногомов. —Биз улар билан 15 та ҳамкорлик шартномаси имзоланганмиз. Булар ассортиментни кенгайтириш, тикувчилик буюмларининг сифатини яхшилашга қаратилган.

Марказий Универсал магазини коллективи ортиқча товарларни сотиш бўйича республикалараро ярмаркаларнинг доимий қатнашчиси, шаҳар корхоналари ва қурилишларида мунтазам кўчма савдо ташкил этмоқда. Савдонинг истиқболли форма ва усулларини жорий этиш ишлари давом эттирилмоқда. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усули ва молларни намуналар бўйича реализация қилиш бўлинмаларнинг 85 процентида жорий этилганлиги бунга мисол бўла олади.

Универмаг коллективи «СССР»нинг 60 йиллигига— 60 зарбдор ҳафта» шиори остидаги социалистик мусобақага қўшилиб, йил охиригача кенг истеъмол буюмлари реализация қилиш ҳажмини 143 миллион 200 минг сўмликка етказишга аҳд қилди. Мижозларга маълумот беришади, харидни тўғри танлашда ёрдам беришади. Агар харидор хизмат кўрсатилишидан мамнун бўлса сотувчининг ишига баҳо берувчи махсус сифат талонини кассага топширади. Бу коллективдан юксак касб маҳоратини талаб этади. Ҳозирнинг ўзида коммунистик меҳнат ва илғор тажриба мактабларида ўз маҳорати, иқтисодий билимлари даражасини 400 дан ортиқ ходим оширипти.

ОҚ-ҚИЗИЛ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

«УМР ЛАЗЗАТИ НИМА?»

Шоир Ўткир Рашиднинг шу сарлавҳали мақоласида тотувлик, аҳиллик, дўст-биродарлик улуғланади, гуруч ичидан чиққан қурмакдек баъзан учрайдиган, одамлар дилини вайрон этувчи ғийбатчи, туҳматчи ва иғвогарлар ҳажв этилади.

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ»

Бугун ана шу анкета саволларига «Ўзбекфильм» киностудиясининг режиссёри, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, СССР халқ артисти, профессор Шуҳрат Аббосовнинг жавоблари эълон қилинган.

«ҚАДР БИЛГАН ҚАДР ТОПАДИ»

Одамларга меҳр-муҳаббатли, меҳр-оқибатли бўлиш кишиларимизнинг энг яхши фазилатидир. Кишилар қадрини билган одамнинг қадри ошади. Лекин баъзан орамизда ҳудбехуда бировлар устидан куладиган, масхаралайдиган, инсон қадрини ерга урадиган кимсалар ҳам учраб туради. М. Набиевнинг бу мақоласи инсон қадр-қимматини улуғлашга бағишланган.

«ХАЗИЛ ТАГИДАГИ «НИМКОСА»

— Шуми ҳамкасбингизга, дўстингизга ҳурмат? Нега юзини ерга қаратдингиз?

— Зариллигини билмабман, кейин...

— Қўйинг-е. Одамда лафз деган нарса бўлади!..

Бу сатрлар Ҳамид Икромовнинг «Ишхона—иккинчи уйимиз» рубрикаси остида берилган юқоридаги сарлавҳали ҳаётий этюдни олиняпти. Унда сиз ҳамкасб дўстлар ўртасидаги муносабатлар, бир-бирига бўлган бурч ҳақида ўқийсиз.

Мутахассислар семинар-кенгаши

Бу анжуманни Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги, республика маҳаллий саноат ва коммунал-маиший хўжалик корхоналари ишчилари касаба союзлари ташкил қилдилар.

Семинар-кенгаш «Ҳамма жойда ҳамма нарсадан иқтисод қилиш» деган мавзуда ташкил этилган кўргазма базасида ўтказилди.

Кенгаш қатнашчиларини Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министрининг ўринбосари У. У. Умарбеков самимий табриклади ва маҳаллий саноат министрлиги корхоналарида ёқилғи-энергетика ресурслари иқтисод қилинишининг аҳволи тўғрисида доклад қилди. Министрлик бош механиги Г. Ефтишев «Маҳаллий саноатда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифалари ва маҳаллий хом ашё, саноат чиқиндиларидан янада самарали фойдаланиш истиқболлари» тўғрисида гапирди.

Кенгашда сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам 1982—1985 йилларда ва 1990 йилгача мўлжалланган истиқболли ривожланиш режалари асосида тежамкорликни намунали йўлга қўйиш тўғрисида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгаш қатнашчилари бош кўргазма экспонатлари билан қизиқиб танишдилар.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

АГРЕССИВ РЕЖАЛАРГА ЗАРБА

Сент-Люсия орол давлати пойтахти —Кастри шаҳрида Америка давлатлари ташкилоти бош ассамблеясининг ҳар йили бўладиган сессияси ўз ишини тамомлади. Бу ташкилотга Лотин Америкасидаги 30 га яқин мамлакат ва Карибе мамлакатлари ҳамда АҚШ киради.

Вашингтон дипломатияси сессия арафасида ҳам, шунингдек сессия давом этган ўн кун ичида ҳам Америка давлатлари ташкилотининг АҚШнинг Куба ва Никарагуага нисбатан, шунингдек Сальвадордаги ва Гарбий ярим шардаги бошқа мамлакатларда миллий-озодлик ҳаракатига нисбатан агрессив режаларини бартом қўллаб-қувватлашга эришиш учун ҳамма воситаларни ишга солди. Лотин Америкаси матбуотининг уқтириб ўтишича, АҚШ вакиллари шантаж ва дўқ-пўписа ёрдамида машъум «қўл қайириш» тактикасидан кенг фойдаланиб, ўз шерикларини шунга кўндиришга ҳаракат қилдилар. Вашингтон раҳбарларининг асосий мақсади — Америка давлатлари ташкилотини «Америка давлатларидаги коллектив ҳаракат» ниқоби остида Кубага, шунингдек Никарагуага қарши янги салб юришн уюштиришга имкон берадиган қарор қабул қилишга мажбур этишдан иборат эди. Америка давлатлари ташкилоти сессиясида АҚШ давлат секретари Хейгнинг нутқида мана шунга рўй-рост даъват қилинди. У атайлаб тўқилган ёлғон гаплар ва ҳар хил сохтакорликлар билан Куба ва Никарагуани гўё «улар қўпорувчилик ишлари» билан шуғулланадилар, деб айблашга уринди.

Аммо сессиянинг кўпчилик иштирокчилари АҚШ ҳукмрон доираларининг бу хатарли ниятларини қўллаб-қувватламадилар. Уларнинг кўпи, шу жумладан Сент-Люсия бош министри У. Сенак Америка делегациясининг даъволарини қатъиян рад қилдилар ва Америка давлатлари ташкилоти регионда тинчлик қуроли бўлиши керак, деб таъкидладилар.

Бошқа бир қанча масалаларни, аввало, савдо-иқтисодий муносабатларга доир масалаларни муҳокама қилиш вақтида ҳам АҚШ кескин танқид қилинди.

Айни вақтда Америка давлатлари ташкилоти сессияси шуни ҳам кўрсатдики, АҚШ қитъадаги қўғирчоқ ҳарбий-диктаторлик режимларидан фойдаланиб, Лотин Америкаси ва Карибе ҳалқлари миллий манфаатларига тамомила ёт бўлган мақсадларни кўзлаб, шу регионал ташкилотдан фойдаланиш учун ҳали анча-мунча имкониятларга эга. АҚШ делегацияси, жумладан, Америка давлатлари ташкилоти сессиясида Сальвадорда келгуси йилга мўлжалланган «сайлов»ни ўтказилишини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилдиришга муваффақ бўлди. Вашингтон шу сайлов найранги ёрдамида қонхўр Сальвадор режимига гўё «қонуний» тус беришни ва у ерда кучайиб бораётган миллий озодлик курашини бўғиш мақсадида Сальвадорнинг ички ишларига ҳарбий йўл билан аралашишни кучайтириш учун кенг имконият яратилишини таъминлаб қолди.

Америка давлатлари ташкилотининг ҳозирги сессияси АҚШ Лотин Америкаси мамлакатлари билан муносабатларида куч ишлатиш ва зўравонлик сиёсатини бундан кейин ҳам давом эттириш ниятида эканлигини тасдиқлайди. Шу билан бирга мазкур сессия мана шу империалистик йўл қитъадаги мамлакатлар томонидан тобора қатъий зарбага учраётганлигини ҳам яққол намойиш қилди.

Н. ЧИГИРЬ,
ТАСС шарҳловчиси.

Партия турмуши: Тошкент бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар якунига доир

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИДА

К. П. ДУДИН,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари.

Шаҳар партия ташкилотларида навбатдаги ҳисобот-сайлов кампанияси ниҳоясига етди. У КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди ғоялари ва кўрсатмаларининг ғоят чуқур таъсири остида ўтди ва съезд қарорларини амалга ошириш учун курашда бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини янада оширишга ёрдам берди.

Агар бўлиб ўтган ҳисобот ва сайловларнинг энг асосий хусусиятлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, бунда энг аввало, коммунистларнинг ишчанлиги, юксак активлигини, уларнинг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ва КПСС Марказий Комитетининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг коммунистик бунёдкорлик масалалари бўйича кўрсатмалари ва тавсияларини ҳаётга татбиқ этишга бўлган зўр иштиёқларини таъкидлаб ўтиш керак.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорлари омманинг ташаббусини ва ижодини ривожлантиришга янги қудратли куч бағишлади. 82 мингдан зиёд ишчи беш йилликнинг тўғриғ йили планини муддатидан илгари бажарди, шу жумладан 23 минг киши Улуғ Октябрь 64 йиллигигача бажаришди, уларнинг кўплари эса беш йиллик топшириқларини тўрт йил ва ундан ҳам камроқ муддатларда бажариш мажбуриятини олишди. Шаҳар саноати беш йиллик тўғриғ йилида муваффақиятли ишламоқда. Шу йилнинг ўн бир ойи ичида саноат маҳсулотлари реализация қилиш плани муддатидан илгари бажарилди. Планга қўшимча 47 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан таққослаганда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 5,9 процентни ташкил этди. Жаъми ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан сифатнинг олий категориясидаги маҳсулотлар ҳажми 16,8 процентга етди.

Капитал қурилишга раҳбарлик такомиллашиб боряпти. Бир қатор йирик саноат объектлари реконструкция қилинмоқда. Шу йилнинг ўн бир ойи ичида 360 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан асосий фондларни ишга тушириш бўйича ўсиш суръатлари ўн бир процентни ташкил этди. Турар жой қурилишида капитал маблағларни ўзлаштириш яхшиланди. Бу йил 680 минг квадрат метрдан зиёдроқ турар жой биноларини фойдаланишга топширилди, ўн бир минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар қуриб битказилди. Касалхоналар, поликлиникалар, маданий-маиший муассасалар тармоқлари кенгайиб боряпти. Савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш базалари кенгайяпти, шаҳар хўжалиги такомиллашяпти.

Буларнинг ҳаммаси партия комитетлари ва бюролари, барча коммунистларнинг меҳнат коллективларида белгиланган режаларни ҳал этиш учун олиб борган ташкилотчилик ва сиёсий ишлари самарадорлигининг ошгани натижасидир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари минбаридан янги қизиқарли ташаббуслар майдонга келгани қонуний ҳолдир. В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» ва бошқа корхоналарнинг коммунистлари «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ташаббусини бошлаб бердилар. 2505-автоколонна, «Ташавтоматика», ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш ва техника хизмати кўрсатиш заводлари ва бошқа кўплаб корхоналар 1982 йил планини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилдилар. 1-трамвай-троллейбус депоси, «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Сувенир» фабрикаси коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида ўн биринчи беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажариш мажбуриятини олдилар.

Бундай мисоллар кўп. Буларнинг ҳаммаси коммунистларнинг план топшириқларини фақат бажариш эмас, балки ошириб бажариш, шахсий намуна кўрсатиб ҳамкасбларини ўз ортларидан эргаштириб, уларни янада юксакроқ меҳнат кўрсаткичларига эришишга руҳлантираётганликларидан яққол далолат бериб турибди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар эришаётган ютуқларни холисона баҳолаб, ишлаб чиқаришнинг фойдаланилмаётган резервларини, аёр қизиқини билан муҳокама қилдилар. Беш йилликнинг тўғриғ йили план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш йўлларини белгилаб олдилар, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, партия бирлари аъзоларининг, барча коммунистларнинг коллективдаги иш аҳволи учун роли ва масъулиятини ошириш тадбирларини белгиладилар.

Коммунистлар йиғилишларда нуқсонларни кескин танқид қилдилар. айбдорлар номларини айтиб ўтдилар. Ҳамма жойда танқид мавжуд нуқсонларга барҳам бериш йўлларини ишчанлик билан излаб топиш асосида бўлди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия XXVI съездининг «Экономика тежамли бўлиши керак» шиорини меҳнат коллективлари қандай амалга оширишнинг йўлларига алоҳида эътибор берилди. Коммунистлар унумсиз ҳаражатларни қисқартириш, моддий ресурслардан тежаб фойдаланиш, маҳсулот таннархини камайтириш бўйича ишларни кучайтириш зарурлигини айтиб ўтишди. Амалий суҳбат бўлганини шу нарса ҳам яққол кўрсатиб турибдики, коммунистлар ҳисобот-сайлов кампанияси давомида бошқаришни такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, иқтисод режимини кучайтиришга қаратилган мингдан зиёд тақлифлар киритдилар. Фақат шу йилнинг ўзидагина 56 миллион киловатт-соат электр энергияси, 4,6 минг тонна дизель ёқилғиси, 3,5 минг тонна автомобиль бензини тежаб қолинади.

Йиғилишларда жаъми 6500 дан зиёдроқ таклиф ва танқидий мулоҳазалар билдирилди. Шундан 15 процентга яқини ҳозирдаёқ амалга оширилди.

Йиғилишларда шунингдек, коллектив ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларни яхшилаш, коммунистларнинг активлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш масалалари кенг муҳокама этилди.

Ҳисобот ва докладларини муҳокама этиш жараёнига КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ижрони контроль қилиш ва текширишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори катта таъсир кўрсатди. Тўқимачилик комбинати, агрегат заводи, «Совғалар» фабрикаси, нашриёт полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитетининг ремонт-қурилиш бошқармаси ва бошқа корхоналар коммунистлари бюро ва секретарларни қабул қилинган қарорларнинг ижросини контроль қилишни бўш ташкил этган учун танқид қилдилар. Кўпгина проблемалар ҳақида ишчан суҳбат бўлди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари асосан коммунистларнинг юксак активлиги ва тўла-тўкис иштирокида ўтди. Улар партия сафларининг монолит жипслигини, партия ташкилотларининг юксак жанговарлигини коммунистларнинг уюшқоқлиги ва активлиги ошганлигини кўрсатди. Йиғилишларда коммунистларнинг 96 процентдан зиёдроғи қатнашди. Музокараларда барча иштирок этганларнинг 28 проценти сўзга чиқди.

Коммунистлар раҳбар органларни сайланда ҳам юксак талабчанлик, принципиаллик кўрсатдилар. Партия ташкилотлари ва партия группалари раҳбарлигига кўпгина обрўли, кишилар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган билимдон мутахассислар келди. Бошланғич ва цех партия ташкилотларининг секретарлари, уларнинг ўринбосарлари, бюро аъзолари, партия группалари етакчилари қилиб 23 мингга яқин киши сайланди. Уларнинг составида 29 процент ишчи бор. Хотинқизлар эса 27 процентни ташкил этади.

Партия ташкилотлари секретарларининг умумий билим савияси ошди. Улар составининг нисбатан унча кўп бўлмаган қисми (27 процента) янгиланиб, халқ хўжалигининг кўпгина мутахассислари ишининг ана шу участкасида борди. Партия ташкилотлари секретарларининг ҳар тўртдан бири инженер-техник маълумотига эга.

Ҳисобот ва сайловлар мобайнида маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш бўйича партия ташкилотлари комиссиялари шакланди. Уларнинг состави илғор ишчилар, мутахассислар билан тўлди. 2000 дан зиёд ана шундай комиссиялар сайланди. Уларга 7,5 мингдан зиёд коммунист сайланди.

Умуман ҳисобот-сайлов кампанияси муайян даражада партия ташкилотларини ишнинг янги форма ва методлари билан бойитишга ёрдам берди. Улар демократик централизм принциплари, ишлаб чиқариш вазифаларини ва кишиларни тарбиялашни комплекс ҳал этишни тўлароқ амалга оширадиган бўлиб қолдилар. Сайланган органлар фаолияти ҳақида коммунистларни, хабардор қилиб туриш яхшиланди. Реконструкция ва техника жиҳатдан қайта қуроллантириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш масалаларини ҳал этишга улар таъсири кучайди. В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, абразив комбинати, В. И. Ленин номли электрон-техника, трактор, «Ташсельмаш» заводлари, «Технолог», «Восток» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа корхоналар партия ташкилотлари фаолияти учун ишга ана шундай ёндошиш характерлидир. Бу эса уларга ишлаб чиқаришнинг юксак сўрсатгичларини таъминлаш, меҳнат унумдорлигини, иш сифатини оширш имконини бермоқда. Партиявий раҳбарликнинг кучайиши натижасида «Ташметрострой», «Висотстрой», «Строймеханизация» трестлари, 1-уйсозлик комбинати ва бошқа меҳнат коллективлари тиғиз қурилиш программасини бажаришда муайян ижобий натижаларни қўлга киритдилар.

Тошкент экономика ва маданиятининг бошқа тармоқларидаги бир қатор партия ташкилотлари ишида ҳам кўпгина янгиликлар пайдо бўлди.

Шу билан бирга шаҳардаги айрим бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот сайловларини ўтказишда камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Спецэлеватормельстрой» трести, «Союзмясомолмонтаж» МНУ, «Ташгалантерейторг», ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида коммунистларнинг бир қисми қатнашмади.

Сергели алоқа узели, «Узстальконструкция» трести, темирйўл қошидаги почтамт, 219-мактаблар партия ташкилотларидаги йиғилишлар шаҳардаги ўртача кўрсаткичга нисбатан таққослаганда коммунистларнинг анча суст активлигида ўтди. «Ташгипротранс» институтида ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик ва уни ўтказишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилди.

Ҳозирги вақтларда партия комитетларида ҳисобот ва сайловларнинг якунлари таҳлил этилиб, муҳокама қилинмоқда. Коммунистларнинг йиғилишларда билдирган таклиф ва танқидий мулоҳазалари синчиклаб ўрганилмоқда, планлар ишлаб чиқилмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари ишларнинг услуб форма ва методларини янада такомиллаштириш йўлларини белгилашяпти, яъни яқин истиқбол учун ҳаракат программаси белгилаб олинмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленумида сўзлаган нутқида халқ хўжалик вазифаларидан келиб чиқиб, партия ташкилотларининг барча ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ва идеологик ишлари асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Бу энг аввало, экономикага раҳбарликда ташкилотчилик ишлари савиясини янада ошириш, меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ҳар томонлама ўстириш, ресурсларнинг барча турларидан фойдаланишда иқтисод режимига қатъий риоя қилишни таъминлашдан иборат.

Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш план топшириқларини, қабул қилинган қарорларни бажариш устидан партиявий назоратни янада кучайтиришни, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг конкрет масалаларини ўз вақтида ҳал этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун раҳбарлар масъулиятини ошириш, ишнинг барча участкаларида уюшқоқликни кучайтириш талаб этилади. Бошланғич партия ташкилотларида бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда район партия комитетлари, шаҳар партия комитетларининг бўлимлари роли каттадир. Улар фаолиятини мустаҳкамлаб йўналтириб, ҳар томонлама ёрдам бериб, қўллаб-қувватлашга даъват этилганлар. КПСС Марказий Комитетининг коммунистларнинг авангардлик ролини ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий ҳаётдаги активлигини ўстириш бўйича Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг иши тўғрисидаги қарори бизни ана шунга даъват этади. Ҳозир партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқаётган беш йилликнинг иккинчи йили перспектив иш планларида бу масалалар тегишли ўрин эгаллаши керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев тугилган куннинг 75 йиллиги нишонланиши, унинг Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин Юлдуз» медали билан тақдирланиши барча совет кишилари сингари тошкентликларда ҳам янги ижодий куч-ғайратни жўш урдириб юборди. Унинг партия ва халқ фаровонлиги йўлидаги, коммунизм идеалларининг тантанаси, бутун дунёда тинчликни таъминлаш йўлидаги толмас, мислсиз саъмарали фаолияти ҳаммамиз учун ажойиб намунадир, бу бизни янги меҳнат зафарларига чорлайди.

Шу кунларда коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг куч-ғайрати бу йилги топшириқларни муваффақиятли адо этишга, 1982 йилда зарбдорона ишлаш учун, ўн биринчи беш йиллик режаларини бажаришни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган. «Булар — халқ хўжалигининг барча тармоқлари пухта ҳамжиҳатликда ишлашини талаб қиладиган мураккаб, кенг миқёсли вазифалардир, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда сўзлаган нутқида. — Зотан, бу вазифаларни муваффақиятли уддалаш учун план раҳамларини иқтисодий ва ташкилий-сиёсий тадбирлар билан мустаҳкамлаб, шу раҳамларнинг бажарилишини гарантияламоқ лозим. Уюшқоқлик, ишчанлик, интизом, — марказда ҳам, жойларда ҳам энг зарур талаблардир. Барча партия, давлат, хўжалик органларининг фаолияти айни мана шу нуқтаи назар асосига қурилиши керак».

Бу вазифаларни бажариш учун ҳар бир партия ташкилоти ўз фаолиятининг услуб ва методларини янада такомиллаштиришга, коллективдаги ишнинг аҳволига партиявий таъсирни мунтазам кучайтиришга эътиборни қаратиши лозим. Меҳнат коллективларидаги вазият, улар ишининг муваффақиятя кўп жиҳатдан ана шу иш савиясига, ҳар бир коммунистнинг ҳаётий позициясига боғлиқ.

Партия ташкилотлари ўз қўлларидаги барча воситалардан фойдаланиб, раҳбарлар, коммунистлар, барча ходимларнинг ўз иш натижалари учун масъулият ҳиссини оширишлари, улардан шуни талаб этишлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг маъмурият фаолиятини назорат қилишни амалга ошириш бўйича Воронеж шаҳри саноат корхоналари бошланғич партия ташкилотларининг иши тўғрисидаги қарорига мувофиқ барча ташкилотчилик ва тарбиявий тадбирлар комплексида маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқидан самарали ва тўлароқ фойдаланишлари лозим.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш ҳаётининг барча соҳаларига, кишиларни тарбиялашга, омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни яхшилашга партия ва ҳукматимиз директиваларининг, қабул қилинган қарорларнинг ижросини контроль қилиш ва текширишни кучайтиришга партиявий раҳбарлик савиясини янада ошириш учун бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси дан амалий хулосалар чиқариб олишлари зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети министрлик идоралар ва республиканинг бошқа органлари бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик бўйича шаҳар партия ташкилоти олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўйди. Район партия комитетлари, партия комитетлари ва бюролари министрлик ва идоралар аппаратлари бошланғич партия ташкилотларининг активлиги ва жанговарлигини ошириш, уларнинг иш услубини муттасил такомиллаштириш, коммунистларнинг, барча ходимларнинг партия сиёсати ва директиваларини ҳаётга татбиқ этишдаги масъулиятини муттасил оширишлари керак.

Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси шуни кўрсатдики, шаҳар партия ташкилотлари, барча коммунистларни меҳнаткашларни хўжалик ва маданий қурилишнинг вазифаларини тезроқ ҳал этишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, илмий-техника тараққиётини меҳнат унумдорлигини оширишга, иқтисод режимини кучайтиришга сафарбар этиш бўйича ўз олдиларидаги вазифаларни ойдин тушунадилар ва ўз фидокорона меҳнатлари билан КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорларини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Пешқадам ишчи, ВЛКСМ аъзоси Махсума Ёқубова шаҳримиздаги тўқимачилик-галантерея фабрикасида икки йил дан бери меҳнат қилибкелмоқда. Бу илғор ишчи «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ҳаракатига фаол қатнашмоқда. У кунлик план топшириқларини 130 процентга етказиб адо этмоқда.
СУРАТДА: М. Ёқубова.

Х. Мирзакаримов фотоси.

• МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Октябрь ва Чилонзор районлари мусобақаси

СССР ташкил этилганининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун интилаётган мусобақадош район-ларнинг коллективлари беш йилликнинг биринчи йилини зарбдорона якунлашаяпти. Саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича топшириқни Октябрь район саноати 2,6 процент, Чилонзор райони 3,1 процент ортиғи билан ado этди. Йил бошидан бери планга қўшимча 5.401 минг сўмлик ва 2.350 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқ 3,4 ва 3,3 процент ортиғи билан ado этилди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий ўсиш суръати 5,5 ва 6,3 процент юксалди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш планини Октябрь район индустрияси 104,3 процент, Чилонзор район 103,7 процент адо этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати Октябрь районида 5,2 процент, Чилонзор районида 2,4 процент юксалди. Октябрь район саноатида ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилда 17.884 минг сўмликка, Чилонзор районида 5.052 минг сўмликка ортди.

Йил мобайнида «Сувенир» фабрикасида, «Ташкентпиво» бирлашмасида, кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмасида (Октябрь район), «Промсвязь» заводида, электр-рўзғор буюмлари заводида (Чилонзор район) ишлаб чиқариш ҳажми 8 — 10 ва ундан кўпроқ процент ўсди.

Кўпгина саноат корхоналари коллективлари шартномада-ги мажбуриятларини амалга ошира бориб, мажбуриятларда белгиланганидан анча кўп миқдорда планга қўшимча маҳсулот тайёрладилар. Булар қаторида «Малика» трикотаж бирлашмаси, «Ташкентпиво» бирлашмаси, «Матбуот» полиграфия бирлашмаси, чўтка ва картон буюмлари ишлаб чиқариш комбинатлари, бадиий буюмлар фабрикаси (Октябрь район), «Ташкентхлеб» бирлашмаси, «Главташкентстрой» нинг авторемонт заводи, Ўзбекистон карлар жамиятининг иккинчи ўқув ишлаб чиқариш корхонаси (Чилонзор райони) каби корхоналар бор.

Шу билан бирга бир қатор корхоналар: кўн-мўйна заводи, тикувчилик бирлашмаси, металл фурнитура заводи (Октябрь район), «Промсвязь» заводи, 2-пойафзал фабрикаси, шаҳар ремонт-қурилиш трестининг ишлаб чиқариш корхоналари комбинати (Чилонзор райони) буюртмачиларга белгиланган ассортиментда ва ҳажмда буюмлар етказиб бериш бўйича шартномадаги мажбуриятларни уддалаша олмади.

Октябрь район корхоналари январь-ноябрь ойларида умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 16,5 процент маҳсулотни, Чилонзор район 6,3 процент маҳсулотни давлат Сифат белгиси билан тайёрлади. Октябрь районида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш бўйича план 104,9 процент, Чилонзор районида 107,1 процент адо этилди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,2 процент ўсди. Октябрь районида 4,2 процент камайди.

Октябрь районида бир цех, тўрт участка, ўн бригада ойлик программани уддалай олмади. Чилонзор районида икки цех, икки участка, беш бригада қолоқлар сафида қолди.

Қурилиш-монтаж ишлари планини (марказлашган молия маблағлари — 1981 йилнинг январь-октябрь ойлари маълумотлари) Октябрь районида 88,0 процент, Чилонзор районида 91,0 процент бажарилди. Октябрь район қурилиш-монтаж ташкилотлари турар-жойни фойдаланишга топшириш бўйича ўн ойлик планни 55 процент, Чилонзор районидагилар 85 процент адо этишди.

Январь—ноябрь ойларидаги соцналистик мусобақа якунини Октябрь район партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири А. МИРҚОСИМОВ шарҳлайди:

— Икки район меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига катта байрамни қаршилаганлай бо-ришаяпти. Ватанни илҳомбахш меҳнат билан хурсанд этиш учун бўлган интилиш ишнинг пировард натижаларида планга қўшимча халқ хўжалик буюмлари ишлаб чиқаришда, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришда, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишда яхши ифодаланмоқда.

Йиллик мажбуриятларнинг муҳим бир банди муддатидан аввал адо этилди—район йиллик мажбуриятда белгиланган 1 миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилди.

Бир қатор коллективлар зарбдор вахтада юксак меҳнат кўрсаткичларига эришдилар. Жумладан, шу кунларда мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати тажриба техника заводи, кўнмўйна заводи, «Ташкентпиво» бирлашмаси, чўтка ва картон буюмлар ишлаб чиқарувчи комбинат беш йиллик нинг иккинчи йили ҳисобга маҳсулот топширяпти.

Райондаги 800 дан ортиқ ишчи «Еттилар ташаббусини қўллаб-қувватлаб, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга ва ўз меҳнатлари билан ҳар бир иш жойида энг юксак натижаларга эришиш учун шароит яратишга аҳд қилдилар. Бу бадиий буюмлар фабрикаси қаштачиси Р. Шарофутдинова, З. Баратохунова, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси чевари М. Қодирова ва бошқалардир.

Районда ҳар бир корхонада, цехда, бригадада СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун планлар тузилди. Уларда меҳнат унумдорлигини ўстириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, касб ўқуви шакллари, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, реконструкцияни ва ободонлаштиришни тезлаштиришнинг пировард натижалари белгиланди.

Шу нарса диққатга сазоворки, корхоналар коллективларининг иқтисодий фаолияти анализ қилинаётганда коллективлар ўз диққат-эътиборларини ҳал этилмаётган масалаларга қаратадилар. Бу масалалар эса оз эмас.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми асосий ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш зарурлигини кўрсатди. Шу билан бирга «Сувенир» фабрикасида ҳар квадрат майдондан кўпроқ маҳсулот олиш масаласи сусткашлик билан ҳал этилаяпти. Бу ерда янги ишлаб чиқариш корпуси ишга тушди. Унинг қувватларидан эса атиги 60 процент ўзлаштирилди. Бу корхонада ишнинг бригада методини жорий этиш суст амалга оширилаяпти.

Театр жамиятининг ишлаб чиқариш комбинатида маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажмининг ўсиши сусайиб қолди. Бу корхона раҳбарларини ташвишлантирмаяпти.

Кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмаси ишлаб чиқариш коллективи меҳнат унумдорлигини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 процент юксалтирди. Бу бир қарағанда чакки эмас. Бироқ бу ерда 1980 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан ишчилар миқдори 430 кишига ёки 22 процентга ўсди. Кўриниб турибдики, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ишчи ва хизматчилар миқдорининг ўсишидан икки баравар паст.

Шу кунниинг вазифаси мусобақадошларни янада кучғайратини ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш масалаларига қаратишдан, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришдан, мамлакат шонли юбилейи шарафига план ва мажбуриятларни муваффақиятли адо этилишини таъминлашдан иборат.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БИРИНЧИ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

ПРАГА. ЧССР пойтахтида кичик электрон-ҳисоблаш машиналари системасига хизмат кўрсатувчи мутахассислар тайёрлайдиган республикада биринчи марказ ишга туширилди. Марказни ташкил этиш электрон-ҳисоблаш техникаси базасини янада кенгайтириш билан маҳкам боғлангандир.

Мамлакат халқ хўжалигига яқин вақт ичида компьютерларга хизмат кўрсатиш учун 40 минг нафар мутахассис керак бўлади.

Табиийки, Прагадаги марказ шунча кадрни тайёрлаб чиқара олмайди. Шундай ўқув юртларини аста-секин олий ўқув юртлари, саноат корхоналари ва техникумлар базасида вужудга келтириш белгиланди. Шу беш йилликда мамлакатнинг йирик саноат районларида жами 50 та ана шундай марказ очилади.

Ҳозирги вақтда республикада салкам 5 мингта компьютер ва ихтисослаштирилган электрон-ҳисоблаш системалари бор. Масалан, саноатда улардан фойдаланишнинг ўртача йиллик коэффициенти 3,7 соатдан кўпроқни ташкил этади. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир электрон-ҳисоблаш машинаси ҳар куни деярли икки иш сменасида ишлайди демакдир.

Испанияда мамлакатнинг НАТОга кириш режаларига қарши норозилик ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Агрессив Шимолий Атлантика блокига қўшилишга қарши хитобномага 500 мингдан зиёд испанияликлар ўз имзоларини чекишди. Испания жамоатчилигининг норозилик намойишлари мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида «Йўқолсин НАТО!», «Тинчлик учун, урушга қарши» шиорлари остида ўтмоқда.
СУРАТДА: Барселона кўчаларидаги намойиш қатнашчилари.

ЭФЭ—ТАСС фотоси.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БУДАПЕШТ. Венгриядаги қадимий шаҳарлардан бири — Мохач шаҳрини ривожлантиришнинг бош плани тасдиқланди. Планда катта-катта дам олиш марказларини барпо этиш, болалар ва медицина муассасалари тармоғини, замонавий маданият уйлари тармоғини кўпайтириш кўзда тутилган. Хизмат кўрсатиш корхоналари сони ҳам анча ошади. Мохач шаҳрини ривожлантириш планида кўплаб архитектура ва тарихий ёдгорликларни таъмир қилишга алоҳида ўриғ берилган.

• • •

ГАРБИЙ БЕРЛИН. Бу ерда саноат қурилиши узоқ давом этган тангликни бошидан кечирмоқда. Уй-жойлар ғоят етишмаслигига қарамай, қурилиш ҳажми тобора камаймоқда, кўплаб корхоналар ёпилмоқда, тармоқнинг юзлаб ишчилари ишдан бўшатилмоқда ва қурувчиларнинг тўрт минг кишилик ишсизлар армиясига келиб қўшилмоқда.

Шаҳар маъмурлари «тежаш» программасини амалга ошириши натижасида аҳвол янада кескинлашмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ янги мактаблар қуришга, касалхоналарни ремонт қилишга, уй-жойлар барпо этишга маблағлар камайтирилмоқда.

• • •

ПАРИЖ. Франс пресс агентлигининг Лагосдан берган хабарига кўра, 12 соат давом этган кучли ёғин натижасида АҚШнинг Нигериядаги элчихонасининг иқтисодий ва маъмурий бўлимлари жойлашган икки қавати айниқса, кўп зарарланган. Қурбонлар йўқ. Ёғин сабаби номаълум.

• • •

ТОКИО. Япония пойтахтида бу йилги қишда биринчи марта кеча тунда минус температура бўлганлиги қайд этилган. Термометрларнинг симоб устуни атиги 0,4 градус совуқ бўлганлигини кўрсатди. Лекин «аёз совуқ» Токио транспорт хўжалигида аҳволни жиддий ишдан чиқаришга олиб келди. Шаҳар чеккасига қатнайдиган поездлар бир соатча деподан чиқмади, вагон эшикларини автомат тарзда очиб-ёпувчи механизмлар музлаб қолди.

Бўлмас нима оламда
адабдин яхши,
Ҳам роҳату ҳам ғам
адабин яхши.
Йўқтир кўрамен барча
сифатлар оракки
Яхши сифат одамда
адабдин яхши.
УБАЙДИЙ.

Оқоб-сиялоқ ҳақида

оқшом суҳбатлари

№ 28

Сила саврасида

УМР ЛАЗЗАТИ НИМА?

Дунёда инсондан улуғ нарса йўқ. Жамият инсоний хислатлари билан азиз ва мўътабардир. Бу хислатлар нима? Булар ҳаммамизга аён: одоб, ахлоқ деб аталган хусусиятлар, чунончи: тўғрилик, ҳалоллик, камтарлик, ҳурматиззат, ғамхўрлик, меҳрибонлик, дўстлик, меҳмондўстлик, андишали бўлиш ва бошқа фазилатлардир. Инсонда мана шу фазилатлардан бироntаси йўқолса, инсонлик шаънига доғ тушади.

Мен айрим шахсларда учрайдиган мана шундай доғлардан бири — ғийбат ҳақида гапирмоқчиман. Ғийбатчининг жамоат орасида тутган хунук мавқеи ҳаммамизга маълум. Ғийбатчидан ҳамма ҳазар қилади, узоқ юради, қочади. «Ғийбатчининг ўзи ёмон, ўзидан ҳам сўзи ёмон», дейди халқимиз.

Бизга яқин кўчада Зайнаб деган бир аёл яшайди. У бу ерга бошқа шаҳардан уй алмаштириб кўчиб келган. У ўзи ёлғиз яшайди. Янги келган кунлари унинг ёлғизлигини кўриб, ҳамма қўни-қўшнилар кирдичиқди қилиб, ундан хабар олиб туришди. Лекин «ўрганган қўймас» дегандек, у секин-аста ғийбат қутисини очиб, одамлар орасига низо сола бошлади. Қўшинилар ўртасига совуқчилик тушди. Кейин билишса, бу фақат Зайнаб тўқиган ғийбат экан. Қўни-қўшнилар аёл яшаган шаҳарга хат ёзиб, бу аёл ҳақида маълумот беришларини сўрашди. Бу аёл у ерда ҳеч ким билан чиқишмасдан, уй алиштириб кетиб қолган экан, шу-шу бўлди-ю, қўшнилар бу аёлга унчалик рўйхуш бермай қўйишди.

Энди аёл қўшниларни бир-бирига ёмонлаш эмас, бошқа томондан иғво қила бошлади. Ўқитувчи қўшнисининг енгил машинаси борлиги ҳақида тегишли жойга «думалоқ» хат ёзди. Яна бир қўшнисига: «Боланг уйимга кириб пулимни ўғирлади» деб туҳмат қилди. Уйи бузилиб, янги уйга ордер билан кўчиб келган бир жамоатчи аёлни: «Бу хотин уйни қандай олди? Текширилсин!» деб юқорига ариза ёзди. Бу ариза текширилиб, даъво бекор қилинди. ЖЭК бошлиғи маҳалла аҳолисининг аризаси бўйича бу ғийбатчи аёлни тартибга чақирмоқчи бўлди-ю, балога қолди. Аёл энди ғийбат дафтарини ЖЭК бошлиғи устидан тўғриза бошлади. Яна текширтекшир бошланди, лекин ҳеч вақо чиқмади. Ўртада қанча идора, қанча комиссия овора бўлди, қанча одамнинг асаби бузилди.

Ҳовлиси бузилиб янги уйга кўчиб келган аёл эса туҳматларга чидолмай, асабий касалга учраб, ҳозир оёқсиз бўлиб ётибди. Ғийбатчи мағлубиятга учраса ҳам «Ҳамманни бопладимми, роса асабларингни буздимми» дегандай керилиб юрди. Лекин яхшилар бир бўлиб, уни уйдан кўчириб юборишди.

Яна бир ғийбатни эшитинг: бу бир оилада пайдо бўлган ғийбат. Ака-укалардан бири уйланди. Келин ўрта ёшли, гапга чечан, ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қиладиган, лекин ўқимаган бир аёл эди. У ўзи тушган бу оиланинг барча аъзолари: шу жумладан қайнана, қайнаталари ва уларнинг хотинлари билан тезда апоқ-чапоқ бўлиб кетибди. Эри бир заводда директор. У ўз хонадонига ва қариндош-уруғларига меҳрибон. Қариндошлари, ака-укаларининкига тез-тез бориб хабар олиб туради. Хотинининг эр қариндошлари билан бўлган бу апоқ-чапоқлиги ҳам, кейин билсак эрининг насиҳати туфайли экан. Кейин хотин бу апоқ-чапоқликдан айниби. Қараса уйига эрининг қариндош-уруғларининг келди-кетдиси кўпайиб кетибди. Эри ҳам уларникига серқатнов. Хотин бундан бошқача хулоса чиқарибди, «Эрим топганини қариндошларига ташиётган бўлса керак, буининг олдини олай, уларнинг уйимдан қадамини тийиб қўяй», деган мақсадда хотин ғийбат қилишга ўтиб олибди.

—Эржон, яхшилик-ка-ёмонлик экан. Бир гапни эшитдим, ҳеч чидолмаяпман. Укангиз акам бой отамиздан қолган ҳамма нарсани биздан яширib олиб қолган. Энди мен уни даъво қиламан. Бермаса судлашаман, дер эмиш. Сиз бўлсангиз ҳамма нарсани ўшанга вайнасиз.

Эрга бу сўз илон чаққандай таъсир этди. Бу гапни кимдан эшитганлигини суриштириди. Хотин ўзига ўхшаш яқин дугоналаридан бирининг номини айтди ва уни гувоҳ ҳам қилди. Лекин эр бу гапга унчалик эътибор бермади.

Хотини яна бир куни ғийбат қилди:

—Эржон, айтмасам бўлмайди. Онангиз сиздан норозилар. Ўғлимга айтманг-ку, мен бу ўғлимдан кўра кичик ўғлимни яхши кўраман. Ўшаникида турай десам, эрингиз менга укангникига кетишга рухсат олиб беринг, яхшиликча кета қолай дедилар.

Эр яна азобланди, тўлғанди. Онасидан сўраган эди: «Агар укангиз яна ҳунар кўрсатди. Дарсингни қил десам, мени роса сўкди. Тош отди, белимга тегди, мана, белимни кўтаролмай ётибман.

Эр ҳайрон бўлди. Хотинининг қариндошлар ҳақида айтган жуда кўп шунақа кўнгилсиз гапларини эслади. У индамади-да, шу куни анчадан буён бормаган укасиникига кетди. У ерда хотини айтган гапларни ўртага ташлади. Укасидан, онасидан ҳамма гапни ора-очди қилиб билиб олди, кейин ғийбатчи хотинини уларга юзлаштирди. Хотин шолғомдек қизариб ўтирарди.

Ер ёрилмади-ю, у ерга кириб кетмади. Онда аъзоларининг кўзларидан унга нафрат ёғилиб турар эди. Бу воқеадан маҳалладаги кўпгина хонадонлар ҳам хабар топишди. Хотин қўни-қўшнилар олдида ҳам бети шувут бўлди. Ким уни кўрса, тескари қараб ўтарди.

Мана шунга ўхшаш ғийбатчилар гўзал ҳаётимизга раҳна соладилар, ширин турмушимизни огулайдилар. Улар марвариддек тоза гуруч ичидаги тошга ўхшаб оиламизга озор берадилар. Ғийбатчи инсон қалбини қанча яраламасин, ўзи ҳам ҳаётда ўсиб-унмайди, роҳат кўрмайди. Бундайлар вақти-соати билан патрат топиб кетади. Ҳаёт лаззатини билган одам иғво, ғийбат билан эмас, яхшилик, одиллик ва бирбирига меҳр-муҳаббат билан яшайди.

Ўткир РАШИД,
ёзувчи.

Одамлар орасида

Одамларга меҳр — бу шундай қаноатдирки, у билан инсон ҳаммадан ҳам юксакка парвоз қилади.

М. ГОРЬКИЙ.

ҚАДР БИЛГАН ҚАДР ТОПАДИ

Гавжум бекатлардан бирининг шундоққина ёнида ўрта яшар киши юз тубан ер тирмашлаганича ётар эди. Оҳорли костюми тупроққа беланган. Шу ердан ўтган-кетганлар, транспорт кутаётганлар ҳалиги тупроққа беланиб ётган кишига ҳазар билан қарашарди: баъзилар ижирганса-лар, бошқалар кинояли оҳангда ҳазил-мутойибага ўтар эдилар. Бир жўр йигит-қизлар ётган кишини мазах қилиб, хандон ташлаб кулишарди. Морожний ялаётган қизлардан бири:

— Қаранглар, аноу она ерни яхши кўрар экан, кучоқ отиб кўришаяпти,—деб қийқириқ қилганида, унинг қабатидаги йигит йиқилиб ётган кишининг сочилиб ётган бир тутам чинни гулини олғи билан унинг бағрига суриб қўйиб:

— Ана, кўринглар, гул чаманида ётган кишини,— деб қаҳқаха урди.

Ҳа, одамлар ётган кишини мазах қилишар эди. Баъзилар «Ўл, хурмачанга қараб ичмайсанми?» деса, бошқалар, «Ичишга топган вақтини қаранг, кийинишидан пиёниста-га ўхшамайди-ку», дейдилар.

Ҳоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг «пиёниста» деб булганаётган шахс мутлоқ ичмаган, бироқ мияга қон қуйилиши билан ўлиб қолган одам эди. Ачинарли нарса шундаки, бир киши соатлар давомида ерга чалпакон бўлиб ётса-ю, бирор кимса суяб, ҳолидан хабар олмаса...

Балки, мана шу масҳара қилиш билан оворага бўлган кишиларнинг бири ўлим билан олишаётган бечаранинг ҳолига бир дафъа назар солганида, балки оғир жудоликка барҳам берилган бўлиши мумкин эди.

Биз, одам одамга дўст ва биродар дейлик, бироқ баъзи одамларда жилти ширинликдан вақо ҳам бўлмайди, ўзларини хон билиб, ўзгалар умидини пайҳон қилишгача борадилар.

Яна бир воқеа!

Мартабали шахс тўй ўтказмоқчи бўлди. Дабдабали тўй ўтаётганида фавқулодда ҳаво айниб, ёмғир ёға бошлади. Зудлик билан уй хоналарига жой қилина бошлаши билан ҳалиги мартабали шахс қўшнисининг уйидан бор кўрпачаларни йиғиштириб чиқишни буюрди. Мартабали шахс оғзининг ели билан қўшни кампирнинг ҳали ерга ёзилмаган, оҳори тўкилмаган, яхши ният билан тикиб қўйилган бир тахмон кўрпачаларни хона полларига тўшалди. Энг ачинарлиси шуки, тўй ўтди-кетди, бироқ ҳалиги таҳмон эгаси—кампир чирқираб қолди. Чунки унга турпоқ, лой, шира ва доғ бўлган кўрпачаларни олиб чиқишган эди. Бечора кампир битта-ю, битта норасини неварасини чиқариш учун кўз нурини тўкиб тиккан кўрпачаларни пайпаслаганича фарёд чекарди. Баҳоланки, ўша тўй қилаётган мартабали кишининг бир неча тахмонларида гард тегмай талайгина кўрпачалар гўё музейда тургандек сақланар эди.

Доно муаллимлардан В. А. Сухомлинский шундай деган эди: «Инсон қадр-қимматини оёқ ости қилиш, ўзини жуда баланд олиб, бошқаларни назарга илмаслик катта нуқсондир».

Кишининг қадр-қиммати унинг ақл-заковоти, одамийлигида жилваланади. Шуни айтиш керакки, баъзида қадр-қиммат одамнинг топиш-тутишида, қолаверса тутган мартабаси билан ўлчаниш ҳоллари ҳам учраб туради.

Мен истмробли бир воқеанинг гувоҳи бўлганман. Таниқли колхоз раиси ўз кассири билан бирга Қора денгиз бўйидаги Батуми шаҳарида туристик саёҳатнинг охирги кунларини ўтказаётган эди. Кунларнинг бирида моторли қайиқ-глиссерда бир неча нафар кишилар билан бир қаторда ранс ва кассир сайр қилмоқчи бўлишди. Қайиқ тўлқинлар узра қалқиб-қалқиб учиб борар экан, фавқулодда ранс бошидаги ҳошияли соябон шляпа учиб сувга тушади. Буни кўрган кассир беихтиёр равишда шляпа кетидан ўзини сувга отади. Шляпа сувда чўкмай қалқиб турар экан-да, бироқ бошлиқнинг шляпасини қутқараман деган кассирнинг ўзи сувга чўкиб кетди...

Инсон қадр-қимматини белгилайдиган даражали мезон бўлмаса керак. Инсон табиатнинг етук маҳсули сифатида ким бўлиши, қайси лавозимда ишлаши, қолаверса етуклиги ва ёшидан қатъий назар тирик жон сифатида ҳурмат-эътиборга ардоқланиши лозим.

Ҳаётда ўз манфаати йўлида ўзгаларни ерга урадиган, машшойихлар айтганидек, оламни тўфон сув босса нимжонни оёқ остига оладиган кишилар ҳам бўлади.

Улуғ айёмларнинг бирида, нон бозорида киши табиатига асорат берадиган воқеанинг устидан чиқиб қолдик. Ранг-баранг шафақ ранг олган кулча, патирдар сотилмоқда: нонвойларнинг қўли-қўлига тегмайди: улар ўз маҳсулотларини харидор сумкасига ниқташ билан овора. Бир жувон ҳолироқ жойни топди-ю, тугунини очиб бўрсиллаб турган, лўпи кулчаларни ёйиб қўйди. Шунда пештахтани ўзиники деб билган, огзи тўла тилла тишли, эллвор этли сотувчи аёл «хе йўқ, бе йўқ» ҳалиги жувонни тўрткилаб, қаргай бошлади:

— Кўтар нонингни, улоқтириб юбораман, савдони бузмай яшамай кетқур.

Ҳалиги жувон бир зум ўзини йўқотганича анграйиб қолди, сўнг: «Кечирасиз овсин, тўйдан ортиб қолган эди, увол бўлмасин деб олиб чиққан эдим..» дея олди. холос. У келтирган бир неча нонни бир кишига тутқазди-ю, хўрланганидан пулини олмасдан кетиб қолди.

Ҳа, табаррук ва мўътабар нон устида кишини ҳақорат қилиш ва нафсонятига тегиш — бу фақат кўзнинг гардишини ёг босиб кетган кишиларнинг қўлидан келади.

Инсонни қадрлайдиган, қадр-қимматини ўз ўрнига қўядиган кишиларнинг саноғи йўқлигига аминмиз. Инсон учун қонини, жонини фидо этган кишиларнинг қўлини биламиз. Шуни айтиб ўтишимиз мумкинки, биз оламдан ўтган зотларни эсга олар эканмиз. «раҳматли фалончи...» деб гап бошлаймиз. Ҳа, киши ҳаётлигида эъзозланса, фалакнинг гардиши торайиб қолмайди.

М. НАБИЕВ.

«ИНСОН—ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига «Ўзбекфильм» киностудиясининг режиссёри, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, СССР халқ артисти, профессор Шуҳрат Аббосов жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?

2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?

3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.

4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?

5. Онлада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?

6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

1. Инсонийлик фазилатларини албатта кенг маънода тушуимоқ керак. Бунга жуда кўп хислатларни йўйиш мумкин. Одам одам билан дўстлашади, ҳаётда бир-бирига суянади, бир-биридан маслаҳат олади, фикрларига таянади. Инсон тараққиётининг биринчи манбаи бир-биридан баҳра олишдир. Агар бирига бирининг фойдаси тегмаса, инсонийлик ўз-ўзидан йўқолади. Ҳаётимда рўй берган бир воқеани мисол келтирмоқчиман. Бу воқеадан менинг оилам жуда катта баҳраманд бўлган. Бир неча йиллар олдин қардош Тожикистонда хизмат юзасидан сафар қилиб юрганимизда, бахтсиз ҳодиса юз берди. Кутилмаганда 7 ёшли ўғлим самосвал машинаси остида қолиб кетди. Шундай кўнгилсиз, даҳшатли воқеа юз бердики, бундай пайтда киши иложсиз бўлиб, гангиб қолар экан. Кон оқиб, хушсиз бўлиб ётган фарзандимни шалвиратиб. Ленинобод шаҳридаги касалхонага олиб бордик. Шифохонанинг тўртинчи қаватидаги реанимация хонасига ётқиздик.

Ичимга чироқ ёқса ёришмайди. Шифохонанинг ҳовлисида кечкурун тик оёқда у ёқдан-бу ёққа тинимни тинимга қўйиб, зириллаб юриб турибман. Коронғулик чўкди. Бинодаги хамма чироқлар ўчиб бўлди. Фақат ўша тўртинчи қаватдаги реанимация хонасида чироқ ёниб турарди. У ерда ҳаётмамот учун кизғин курош борарди. Бу воқеани эшитган одамлар тўғри касалхона ҳовлисига кириб келишарди. Улар менга тасалли бериб, мен билан бирга тонгни қаласалхона ҳовлисида оттиришди. Улар тўрт кеча мен ва оилам атрофида парвона бўлиб, бутун ғам-гуссамизни баҳам кўришди. Боланинг ҳаёти жонланиб, кўзини очиши билан улар беҳад кувонишди. яна яхши тилаклар изҳор қилишди. Кейин болани даволашни давом эттириш мақсадида Тошкентга кўчирдик.

Мен ўшанда одамлар қалбининг қудрати нималарга қодир эканлигини чуқур англадим. Уларнинг далда-си, юпанчи, ғамхўрлиги, меҳрибонлигидан жуда катта таср кин топдим.

Инсоннинг инсонийлик фазилатлари мана шу даражада бўлишини орзу қиламан, ўшандан бери мен у одамларга ғойибона таъзим қиламан, одамлар кўнглини олишга имконим борича ҳаракат қиламан.

«Сен етим эмассан» фильмини суратга олишга тайёргарлик кўраётганимизда Пермь шаҳридан Болоҳ Воробей деган ўн бир ёшли болани таклиф этган эдик. Рус боласи Тошкентга келиб, дастлаб ўзини бегонасирай бошлади. Ҳеч қовушолмай, тортиниб юрди. Нечунлир кўнгли ўксир эди. Суриштирсак, у фильмда ижро этадиган қаҳрамони каби ҳаётда ҳам етим экан. Табиий ўхшашлик. Ота-онаси йўқлигидан, бегона жойга келганлигидан фильмда кечадиган воқеалар каби ётсирай бошлади. Унга ғамхўрлик қила бошладик. Айниқса биргаликда суратга тушаётган тенгдошлари кўп меҳрибонликлар кўрсатишди. Кейин боланинг чиройи ёришди. У ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, меҳрибонлиги, ғамхўрлигидан кўп хурсанд бўлди. У кейинчалик ўзбекларни, Ўзбекистонни чиндан ҳам севиб қолди. Ҳатто бу ердан кетгиси келмай юрди.

Бола ҳаётида биринчи марта инсоний ғамхўрлик, меҳрибонлик хислатларини сезди, нашидасини тотиб кўрди. Инсон дўст, меҳрибон деган фазилатларни шунда яна бир бор ҳис қилдим.

2. Ҳаётда, турмушда, ишда масъулиятсиз бўлган одамларни ёқтирмайман. Шундай тоифадаги кишилар борки, уларга биронта вазифа топширилса, чалакам-чатти, ўлда-жўлда бажаришади, коллективнинг умумий ишини барбод қилишади.

Урушдан кейинги йиллар эди. Мен медицина техникумида ўқир эдим. Ҳар куни онам Хатира Қосимова ва холам Ҳадича Қосимова техникумга пайдо бўлиб турадиган бўлиб қолишди. Мени тергашади, уйга бирга олиб кетишади. Сезсам тарбияси бузуқ болаларга қўшилиб кетишимга озгина қолган экан. Онам ва холам мени ёмон йўлдан қайтариб қолишди. Бу воқеадан келиб чиқиб айтмоқчиманки, ўқишни барбод қиладиган, шўхлик, безорилик йўлига кирадиган ёшларни, уларнинг қадам босишини қирқиб қўймайдиган айрим оталарни ёмон кўрамаи. Улар бу қилмишлари билан на халққа, на давлатга, на ўзларига фойда келтирадилар.

3. Умримда энг бахтиёр дамлар тез-тез содир бўлиб туради. «Сен етим эмассан», «Тошкент—нон шаҳри» фильмлари биринчи марта кўрсатилганида бехад қувонганман.

Техникумда ўқиб юрганимда «Айбсиз айбдорлар» спектаклини ҳаваскорлик саҳнасида қўйганмиз. Мен Шмата ролини ўйнаганман. Томоша жуда қизғин ўтган. Ўшанда қувончим ичимга сиғмаган эди.

Менда муҳаббат уйғониб, ёр висоли билан топишиб оила қурганимда ва шу муҳаббатим туфайли тўнғич фарзандимиз дунёга келганида қувонганман.

4. Ёшлигимда Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романини бир неча бор ўқиганман. Ундаги Павел Корчагин образи менинг онгимга жуда ҳам сингиб кетган эди. Мен ҳам ана шу Павелга ўхшаган бўлишга ҳаракат қилардим. Унинг революцияга, янги ҳаётга бўлган эътиқоди менга катта илҳом берди.

Мен ҳаётда касбига, ижодига эътиқод қўйган кишиларни яхши кўраман. Ўз ишини севиш, унинг ортидан қувиш, у билан доимо изланиш одамнинг ким эканлигини яққол кўрсатади. Менинг эътиқодим кино санъати, фильмлар яратиш бўлиб қолди. Янги картина яратиладиган бўлса, унинг ишқида ҳамиша куйиб пишаман, тинмай изланаман, шу билан овунаман.

Эътиқодли одамлар ҳақида бир мисол келтирмоқчиман. Ўша техникумда бизнинг ҳаваскорлик драма тўгарагимизга Ласкарато деган киши бадиий раҳбар эди. У, Горький номли рус давлат драма театрининг артисти эди. Ўша киши ўз ишини жуда ҳам севарди. Болаларга доимо санъат сирларини ўргатишдан эринмас эди. «Айбсиз айбдорлар» спектаклини тайёрлаш учун жуда кўп меҳнат сарфлади. Саҳна асарида бир воқеа бор эди. Қаҳрамон қиз болага, яъни менга пальто тақдим этиб кийдириши керак эди. Пальто топиш жуда қийин бўлди. Чунки ўша пайтлар эндигина уруш тамом бўлган, турмуш оғир эди. Ўқитувчимиз Ласкарато бир неча йил мобайнида бир сўмлаб пул йиғиб, бир амаллаб ўзига ўртамиёна пальто сотиб олган экан. Ана шу орзули кийимини саҳна буюми сифатида ишлатиш учун бизга берди. Спектакль катта муваффақият билан ўтди. Олам ниҳоятда кўп эди. Спектакль тугагач, ҳамма ёқ бесаранжом бўлди. Шу пайт денг, пальто йўқолиб қолса бўладими? Кимдир ўтирлаб кетибди. Ўқитувчимиз пальто йўқолганлигидан сира хафа бўлмади. Чунки у спектаклнинг муваффақиятидан, ўзининг иши амалга ошганидан қувонар, ҳаммамизни қучоқлар, табриклар эди. Мен ўшанда ўз иши учун доим куйинадиган асл одамни кўрдим.

5. Онлада, фарзандларга муносабатда ростгўйлик, тўғри йўлдан боришга ўргатиш, инсон учун берилган ўлчовли вақтни бекорга ўтказмаслик, уни увол қилмасликдан иборат бўлиши керак. Болалар мураккилигини чинакам ниҳол бўлишади. Нихолларни авайлаб тарбияламоқ керак. Болаларнинг мураккилигида ўргатилган ҳар бир одат, ҳар бир насиҳат, ҳар бир гап тошга ўйилгандек муҳрланиб қолади. Мен фарзандларимни мураккилигида расм чизиш, эртак айтишга кўпроқ мойил қилганман. Асал деган қизим 5 ёшида эртакларни ҳикоя қилиб берган. Кейинчалик ўзи эртак ёза бошлаган. Ҳозир 12 ёшда. Мактабда ўқийди. бинойидек шеърлар ёзади. Келгусида шоира бўлиб кетса ажаб эмас. Ўғлим Нозимбек 5 ёшлигида расм чизишни машқ қилар эди. Унда рассомчиликка бўлган қобилиятни авайлаб тарбияладик. Ҳозир у Москвадаги Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтининг рассомлик бўлимида ўқимоқда.

6. Ишдан қайтаётганимда ҳар куни китоб магазикларига кирмасдан ўтмайман. Кўнглимга ёқиб қолса, бир кўчоқ бўлса ҳам китоб сотиб оламан. Уйимизнинг ҳамма жавонлари ранг-баранг китобларга тўлиб кетган. Бўш қолдим дегунча уларни бирма-бир кўлга оламан. Ҳар куни кечаси 8—10 та китобни варақлаб чиқмасам, кўнглим тўлмайди. Ишхоналагилар ҳазиллашиб, мени китоб «шайдоси» дейишади. Ким нима деса, деяверсин. Бўш вақтларимда ана шу китоблардан саволларимга жавоб оламан, ёзувчиларнинг, олимларнинг фикрлари билан дардлашаман. Бу китоблардан ўзим учун фойдали маслаҳат, йўл-йўриқ, янги фикр, ижодий изланишлар оламан.

Анкета саволларига жавобларни А. ПўЛАТОВ ёзиб олди.

Ишхона—иккинчи уйимиз

ҲАЗИЛ ТАГИДАГИ «НИМКОСА»

Ҳаммаси ўша баҳсдан бошланди.

Ёшлик эмасми, илмий-тадқиқот институтидаги бир группа тенгқурлар бундан ўттиз йил кейин ким нима бўлиши ҳақида хаёл суришди. Ҳар ким ортига келганини айтади. Ҳамкасблар бир-бирларига ҳазил-мутойиба, тегажоглик қилишарди. Оқшомхонага ўша баҳс аниқроқ бўлиши учун эслатиб ўтамиз.

—Хўш, камина қандай бўладилар?— сўради миқтидан келган Анвар.

— Сизни шундай тасаввур этиш мумкин: шу принципиаллигингиз қолмаса, қизингиз турмушга чиққандан кейин ҳам куёвга қатъий регламент белгилайсиз. Яъни куёв тўра эшик тақиллатиб келалла. Сиз дарров-да: «Мумкин!» демайсиз. Куёв тўра ҳовлида кутиб, дарахтларни, уйни тўйиб-тўйиб томоша қилади. Сиз эса газета-журналлардан кўз узиб, ниҳоят: «Киринг!» дейсиз. Куёв тўра билан маълум бир масофада, яқиндан сизга ярашмайди, узоқда туриб гаплашасиз. Куёв тўра илтимосини умуман ижобий ҳал этиб берасиз, унинг оғзи қулоғида, чиқиб кетади.

—Шугинами?— Бу ҳазил Анварнинг жонжонидан ўтиб кетган бўлса ҳам ҳазилга ҳазил билан жавоб беришга аҳд қилди. У ҳам ҳазил тагида «нимкоса» бўлишига интилди.

— Сизни шундоқ тасаввур этиш мумкин, Шамсиддин. Шимингиз американский жинсидан, жемперингиз хитой юнгидан, шляпангиз Францияники, курткангиз Италияники. Фақат каллангиз маҳалланики! Сизнинг орқангизда бемалол шахмат ўйнаш мумкин, негаки қўлларингиз катак-катак, спортивний. Олдингиздан ўтганни унча-мунча аёл зоти қўрқади, негаки, ўпишаётган ярим ялангоч йигит ва қиз расми туширилган майкангиз корнингизгача очиқ. Соқолингизга, э, йўқ, мўйловингизга мош мушук тугул, арслон ҳавас қилса арзийди!

Бу ҳазил Шамсиддиннинг уёқ-буёғидан ўтиб кетди. Лекин шу баҳона одам ўзини ишхонада қандай тутиши, ҳаётга қандай қараши керак, деган оддий, аммо ҳаётий масалага борib тақалди. Бу масалада дўстлар икки тоифага бўлиниб кетди, дейлик мумкин. Анварлар тоифасининг фикри бундай: ҳар бир одамда нарсаларга, масалан, ҳатто кийинишга ўз принципиал муносабати, баҳоси бўлиши керак. Улар Шамсиддинларни кескин танқид қилишарди. Юзлаб Шамсиддинлар бор, холос. Улар миллиондан бир томчи!

Шамсиддинлар фикрича, Анварлар бу масалада батамом ноҳақ. Улар ҳаётда янгиликка қизиқмайдилар, уларда янгилик завқшавқи, буни ҳис этиш йўқ. Улар ҳатто бирмунча беларво, эринчоқлар ҳам: негаки, агар кийинишни айтадиган бўлса, елибюгуриб, излаб, янги уст-бош топишга вақтлари йўқ эмиш. Баҳс борган сайин чўқурлашиб, бора-бора, охири Анвар ва Шамсиддиннинг ишга муносабатига келиб тақалувди ҳамки, бирдан Шамсиддин Анварни яқинда атайин обрўсини тўкишга уринишда айблай кетди.

Бу воқеа бундай бўлган эди.

Анвар бир ҳафта бетоб бўлиб ётиб чиқди-ю, қўлидаги чизмаларни вақтида топширишга улгуролмаслигини ҳис этди. Бу ёқда бўлим мудири кисталанг қилиб турибди. Бунинг устига эртага дам олиш куни. Тоғаси тўйга айтиб кетган, бормаса худди онасидан балога қолади. «Битмаю битта тоғангининг тўйига бормайсанми?» деб қўймаяпти. Бўлмаса, дам олиш куни чизманн қўлдан чиқармоқчи, душанба куни мудир олдида юзини ёруғ қилмоқчи эди. Шунда хонадан энди чиқаётиб, миясига бир фикр келди: ҳамхонаси Шамсиддиндан илтимос қилиб кўрса-чи? Кўрди. Шамсиддин ҳам бу ҳафтада қаттиқ чарчаганини, шунга қарамай ҳаракат қилажагини айтди.

— Йўқ, дўстим, тўғрисини айтинг менга. Душанбагача тугаллаб олиб келолсангиз, бунн айтинг ёки йўқ. бунинг уддасидан чиқолмайман, мендан умид қилманг, десангиз бунисини айтинг. Менга аниқ, принципиал жавоб керак. —

«Агар ҳозир йўқ деса, тўйга бормайман-қўймай-да», ўйлади Анвар асабий равишда. «Агар ҳозир йўқ, десам, қачондир унга ишим тушса, буям йўқ дейди», ўйлади Шамсиддин мияси говлаб. Эртага ошналари билан зиёфатга боришини ўйлади. Жуда зўр келса, зиёфат соат бешда-ку, унгача улгурар, тагида машина бўлса.

Унинг бутун мақсади машинасини уйда қолдириб, чарчоғини ёзиб гашт қилмоқчи эди. Анварнинг жавоб кутиб қолганини кўриб:

— Бўпти, душанбада оласиз!—деди.

— Раҳмат. —бу сўз юрагидан отилиб чиқди. Анварнинг бутун чеҳраси ёришиб кетди.

Тўйни ўтказиб, душанба куни ишга эрта келди. Ҳамхонаси йўқ, ҳали келмабди. «Ҳали ўн беш минут бор-у». Вақтнинг имиллаб ўтишини шунда билди. Бирон иш қилай деса, кўнглига сиғмайди. Охири, буфет очиқ экан, тамадди қилиб чиқди. Вақтнинг ўндан ошганига севиниб, виналардан ҳаллослаб югуриб чиқди.

Шамсиддинни танимай қолди. Янги, чиройдухода костюмда бутунлай яшариб кетибди. Уни муборакбод этиб кучди. Шамсиддин ўзини ноқулай сезар, Анварнинг шодлигини чил-чил қилишни истамасди. Қаердан топганини, нархи ва ҳоказо. ларни узоқ, энтикиб гапирди. Бу гаплардан сўнг, Анварга пўсткалласини айтди. Чизмага қўли тегмабди.

— Одаммасаканисиз-ку! — Анвар ўтириб қолди. Ёнида худди ёмон маҳлуқ бордек ижирганди-ю, коридорга чиқиб папирос тутатди.

Шу пайт бўлим мудири кўринди-ю:

—Анваржон, чизма битдими, шеф сўраяпти,— деди. Ер ёрилмади-ю, ерга кирмади.

—Пўқми ҳали? Унга нима дейман? Сизга ишонган ўзи... Қани, юринг.

Бошлиқ кабинетига кирганда Анвар ерга қараб турар, «қовуради ҳозир» деб ўйларди. Аммо бошлиқ бирдан «портламади», зарла ҳам қилмади. Суриштирди. Анвар бўлган воқеани ётиғи билан тушунтирди.

—Чақиринг, Шамсиддинни!

«Чақибди-да» ўйлади. у шошиб галстугини тўғриларкан.

—Шуни ҳамкасбингизга, дўстингизга ҳурмат? Нега юзини ерга қаратдингиз?

—Зариллигини билмабман, кейин...

—Қўйинг-е. Одамда лавз деган нарса бўлади! Ипгитмисиз ўзи? Бир жойда ишлаб, бир-бирингизга иш тушганда шунақа қилиш керакми?

—Принцип қипти-да, майли,—деди Шамсиддин Анварга зимдан ўқрайиб.

—Сиртингизга қараган одам туппа-тузук, бинойидек олим деб ўйлайди. Аммо одамда лавз ҳам катта ҳусн, билсангиз! Боринг, иккинчи бунақа қилманг!

Ким ҳақ энди?

Ҳамид ИКРОМОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет. Оқшомги

24 ДЕКАБРЬ, 1981 й.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XII да **Қўриқ** (15.00), **Абу Али ибн Сино** (19.30), 25/XII да **Қўриқ** (15.00), **Гурунг** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/XII да **Ёшлинда берган кўнгил** (15.00), **Кулги кечаси** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XII да **Отасининг қизи**, 25/XII да **Зада бўлган пайғамбар**, 26/XII да **Сенин тонглар**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **СОВЕТ ЦИРК УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.**

КИНО

24 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КЎЗИНГГА ҚАРА» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«УЛАР АКТЕР ЭДИЛАР» — **Дружба** (жуфт ва тоқ саатларда, телефон 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ҲАЙРЛАШУВ МАЗУРКАСИ» — **Қозоғистон** (18, 21.00).

«ОТИШ ҲУҚУҚИ» — **Искра** (18, 20.00), **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00).

«ГАПЛАШИБ ОЛАЙЛИК, АКА» — **Лисунов номли** (17, 20.00 телефон 96-34-02).

25 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«КОМСОМОЛ» — **Қозоғистон.**
«СИОНИЗМ СТРИТ» — **Москва.**
«ДОИМИЙЛИК» — **Нукус.**
«БИРИНЧИ НОМЕРЛИ ПОЕЗД» — **Дружба.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КЎЗИНГГА ҚАРА» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда).

«УЛАР АКТЕР ЭДИЛАР» — **Дружба** (жуфт ва тоқ сатларда, телефон 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Москва** (тоқ соатларда).

«ҲАЙРЛАШУВ МАЗУРКАСИ» — **Қозоғистон** (12, 15, 18, 21.00, телефон 35-24-92).

«ОТИШ ҲУҚУҚИ» — **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-14-52),

«ГАПЛАШИБ ОЛАЙЛИК, АКА...» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00 телефон 96-34-02).

Тошкент шаҳар Октябрь район Давлат страхованиеси инспекциясининг 152542 — 550 номерли 203 А формадаги, 803238-250 номерли 211 формадаги, 154270-275 номерли 203 формадаги, 849506—525 номерли 25-формадаги, 679635-650 номерли 210 формадаги, 811229-250 номерли 202 формадаги, 566185—200 номерли 201 формадаги, 483200 номерли 200 формадаги, 266628-650 номерли 210 формадаги, 900895-900 номерли 240 формадаги йўқолган

КВИТАНЦИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

25 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 да

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти.

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

СОЛИСТЛАР:

ФАХРИДДИН УМАРОВ,
ГУЛЧЕҲРА ИСМОИЛОВА, ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ,
ТАВАККАЛХОН ТУРСУНОВА, ҲАСАН КАРИМОВ,
ТОШТЕМИР ТОҲИРОВ,
ГУЛНОРА ОДИЛОВА,
МАСТУРА ФАЗЛИДДИНОВА.

Сатира, юмор ва интермедия ижрочиси
Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон ҲАЙИТОВА.
Музика раҳбари Туйғун ОТАБОЕВ.
Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 да сотилади.

ҚОРБОБО СОВҒА УЛАШАДИ

Энг эртакнамо байрам — Янги йил яқинлашмоқда. Ҳеч бир янги йил арчаси Қорбобо ва Қорқизсиз ўтмайди. Улар болаларга қанчадан-қанча қувонч олиб келадилар.

ТОШКЕНТ «СЕРВИС» ФИРМАСИ

БОЛАЛАРИНГИЗНИ ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН ТАБРИКЛАШНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛАДИ

Қорбобо ва Қорқизни таклиф қилиш қийин эмас: бунинг учун Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-«а» уйда жойлашган Марказий «Сервис» уйига мурожаат этинг ёки 44-63-15, 44-61-45, 44-28-01, 44-65-04 номерлари орқали телефон қилинг мумкин.

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

БУЮРТМАЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА РАСМИЛАШТИРИНГ.

ТОШКЕНТ «СЕРВИС» ФИРМАСИ.

КЎМУШ ЗИЙНАТЛАР ЧИРОЙЛИ, НАФИС, МОДАЛИДИР!

«О Л М О С» УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИ

ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

асл ва ярим асл ёқут тошлар (сапфир, ёқут, кумуш узуклар, зираклар), **латун, мельхиор, кумуш маржонлар, хотин-қизлар ва эркаклар тўғноғичлари.**

Кумуш зийнатлар ҳар қандай либосга кўркамлик, башанглик ва замонавий қиёфа бахш этади.

Заргарлик магазинларидан мельхиордан ишланган вилкалар, қошиқлар, пичоқлар термалари, вазалар, кўзалар, эркаклар ва хотин-қизлар қўл соатларини сотиб олиш мумкин.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСЛАРИНИ ЭСЛАТАМИЗ:

1 — «ИЗУМРУД» — Т. Шевченко кўчаси, 31-уй.
2 — «РУБИН» — Б. Хмельницкий кўчаси, 56-уй.
19 — Октябрь бозори.
13 — Навоий кўчаси, 1-уй.
14 — Олой бозори.
17 — Госпиталь бозори.
18 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
26 — Бешоғоч бозори.
27 — Ленин номли проспект, 40-уй.
36 — Куйбишев кўчаси, 5-уй.
39 — Чилонзор массиви, Г. 19 «а» квартали, 29-уй.

«ОЛМОС» УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ.

ЯНГИ ЙИЛ— АЖОЙИБ БАЙРАМ

Тез кунда Янги йил кириб келади. Уйларимиз гўзал ўрмон малинаси билан чирой очади.

АРЧА БЕЗАКЛАРИНИ ЯНГИЛАШНИ ЭСДАН ЧИҚАРМАДИНГИЗМИ?

Ўрмон малинасини ҳар хил рангли шарлар ва мунчоқлар, ҳар хил картондан тайёрланган ўйинчоқлар, гирляндлар, арча ёнғоқлари, серпантинлар билан яна ҳам чиройли қилиб безаш мумкин.

«ТАШКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН АРЧА БЕЗАКЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

Магазинларнинг адреслари:

4 — Куйбишев шоссеси, 850-уй.
6/1 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
8 — Навоий кўчаси, янги шаҳар ярмаркаси.
10 — Олой бозори.
10/1 — Сергели (бозор).
11/1 — Первомайск бозори.
13 — 4-турар жой шаҳарчаси, М. Ҳасанова кўчаси, 33-уй.
13/1 — У. Юсупов кўчаси, 95-уй.

«РАДИО УЙИ» ЧОРЛАЙДИ

Сиз телевизор ва радио моллари сотиш бўйича ихтисослаштирилган магазин — **«РАДИО УЙИ»**дан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган телевизорлар, радиоприёмниклар, радиолалар, электрофонларнинг энг яхши маркаларини сотиб олишингиз мумкин.

— Бизнинг магазинимизда телевизорларнинг ранг-баранг намуналари сотувга қўйилган, — деб таъкидлашади магазин ходимлари.—Агарда ишонч ҳосил қилишни истасангиз, магазинимизга марҳамат қилинг. Сотувда ушбу телевизорлар бор:

рангли тасвирда: **«ВИТЯЗЬ—714»**, **«ЛАЗУРЬ — 714»**, **«САДКО—714»**, **«ЯНТАРЬ—714»**, **«ЧАЙКА—722»**, **«ЧАЙКА—714»**, **«СЛАВУТИЧ—202»**, **«БЕРЕЗКА-Ц—202»**.

Кичик ҳажмли, рангли ва оқ-қора тасвирли телевизорлар:

«ЭЛЕКТРОНИКА—ВЛ—100», **«ЭЛЕКТРОНИКА—450»**, **«ЮНОСТЬ—405»**, **ЮНОСТЬ—Р430»**.

Бугун биз Сизларни ана шу телевизорларнинг айрим маркалари билан таништириб ўтамиз.

Халқимизда телевизор экранини «ойнаи жаҳон» деган чиройли ўхшатиш билан тараннум қилишади. Гап бу ерда рангли телевизор ҳақида бораётир. **«ВИТЯЗЬ»—714»** телевизори табиатнинг қўриқхона бурчакларидаги такрорланмас ўзига хос гўзал манзараларни, спорт байрамларининг ранго-ранг кўринишини тўла-тўкис олиб кўрсата олади. Телевизор давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлган. Бундан ташқари ана шу модель ўзининг бир қатор афзалликлари билан «СССР дизайнлари» халқаро кўргазмасида муносиб баҳони олишга муяссар бўлган.

«ЧАЙКА—202» телевизорининг сенсор майдончасига бармоғингизни оҳиста текказишингизнинг ўзи кифоя. Ана шунда исталган программага осонлик билан ўтилади. Автоматик мосламаси эса тасвир ва унга ҳамроҳ бўлган овознинг тиниқ бўлиши юзасидан ғамхўрлик қилади. Телевизорнинг конструкциясида программаларни ҳар хил аломатларсиз қабул қилиш кўзда тутилган, автоматик созланиши эса телевизорни ишлатишда унинг ишончлилигини оширади.

Оқшом чоғида оила аъзолари жамулжам бўлишганида баъзан хоккей матчининми ёки бадиий фильмни кўрамизми, деган баҳс туғилиб қолади. Бундай баҳсни иккинчи — портатив телевизор ҳал қилиб беради.

«ЭЛЕКТРОНИКА—ВЛ—100» телевизорининг оғирлиги бор-йўғи 2,9 килограмм, экранининг размери диагонали бўйича 17 см. габарит ҳажми—180х175х215 миллиметр. Интеграл схемалар асосида йиғилган бу телевизар ишлатишда юқори ишонч ва тежамкорликни таъминлайди, автоматик созлаш мосламаси эса тасвирнинг барқарор бўлишини кафолатлайди. Бу телевизор аккумулятор батареясидан ва электр тармоғидан қувват олиб ишлайверади.

Рангли **«ЭЛЕКТРОНИКА—Ц—430»** портатив телевизори кичик ҳажмли квартираларга жуда ҳам мос бўлиб тушади. У жуда ҳам озгина жойни эгаллайди, чиройли ва замонавий безакланган. Телевизорда сенсор қурилмаси ўрнатилган, эшиттириш овозларини эса бошга кийиладиган телефонлар ёрдамида тинглаш ҳам мумкин.

Бундан ташқари «ЭЛЕКТРОНИКА» типидаги видеомагнитофонлар билан ҳам қўшилганда ишлайверади.

АГАРДА СИЗ ТЕЛЕВИЗОР СОТИБ ОЛИШ НИЯТИДА БЎЛСАНГИЗ —

1-«РАДИО УЙИ» МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

«РАДИО УЙИ» ихтисослаштирилган магазинининг ходимлари сизга қўшимча хизматлар ҳам кўрсатишади: — сотувчи-консультантлар Сизнинг хоҳишингизга биноан телевизорни ишлатиб намойиш қилишади, у ёки бу моделдаги телевизор билан батафсил танишишда ёрдам беришади, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлатиш қоидалари тўғрисида ҳикоя қилиб беришади, ҳар бир телевизорнинг техникавий характеристикасини тушунтиришади;

— Сиз телевизор сотиб олаётганингизда, ишлатиб бўлинган эски телевизорни топшириб, янги телевизорнинг қимматига чақишингиз мумкин;

— магазин қошида «Таштрансагентство»нинг махсус диспетчерлик пункти ишлайди. Унинг ходимлари сотиб олинган молингизни уйингизга етказиб беришни ташкил этишади;

— магазин телевизор ва радиоаппаратураларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан ҳам сотаверади.

МАГАЗИН АДРЕСИ: Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 17-уй; иш соатлари— соат 10 дан 19.00 гача; танаффус — 14 дан 15.00 гача; якшанба дам олиш куни.



«ТАШКУЛЬТТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЭКРАНДАГИ ЗАНГОРИ

ПАЙШАНБА — 24 ДЕКАБРЬ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.05 «Олга, болакайлар!». 18.35 «Миллионлар ленинча университети». «Қишлоқни социал ривожлантириш». Кўрсатувда Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Москва областидаги «Нара» совхозининг директори А. Е. Шчигорец иштирок этади. 19.05 «Келинг, дўстлашайлик». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Адажио». Фильм-концерт. 19.40 «Жойида ҳал бўлади». 2-кўрсатув. «Булоқлар». 20.25 «Комила». Телевизион бадиий фильм. премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 «Барокко» камер ансамбли чалади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Дўстларимиз чеҳрасн». 20.20 Ленинград камер оркестри ижросида қадимий ва замонавий куйлардан концерт. 20.50 «Мен онамни ўйлайман». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Тунинг ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Синдикат —2». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 23.10 «Узумчилик ўлкаси». Ҳужжатли фильм. 23.30 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар «Жельгирис»—«Динамо» (М). 24.00 Огир атлетика бўйича СССР кубоги ва чемпионати.

Узбекистон телевидениесининг программалари

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Дилли-Далли қуёшли боғда». «Қирол ва қовунлар». Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 19.00 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига —60 зарбдор ҳафта». Тошкент трактор заводидан репортаж. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 А. Фадеев туғилган кунининг 80 йиллигига. «Ижод саҳифалари» 20.30 «Ахборот», 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Гўзал» ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время» 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.35 Ў. Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 2-қисм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

ЖУМА — 25 ДЕКАБРЬ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Комила». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.10 «Буратино кўргазмаси». 11.40 «Қалбга яқин қўшиқлар». 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Украинада совет қонимияти эълон қилинган кунга. «Арсенал анъаналари». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 «Объектив». 16.25 «Москва комсомолининг ишлари». 16.55 Г. Верёвка номли Давлат академик хизмат кўрсатган Украина хорининг концерти. 17.15 «Мунозара клуби».

18.30 «Жойида ҳал бўлади». 3-кўрсатув. «Омма билан алоқани мустаҳкамлаб бориб». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Чанғи спорти бўйича «Красногорск чанғиси». Бутуниттифоқ мусобақалари. Хотин-қизлар. 10 км. Красногорскдан олиб кўрсатилади. 19.50 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Лобар аёл». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Кинопанорама». 24.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Қунар-техника» билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади? «Анъаналарнинг давоми». Металлист ва металлург кадрлар тайёрлаш ҳақида. 20.00 «Русская гармонь» ансамбли чалади. Воронежданолиб кўрсатилади. 20.45 «Рақиб тасдиқлайди». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Синдикат—2». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 23.10 «Нишоналар». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.30 Волейбол бўйича СССР чемпионати. Хотин-қизлар. ТТУ—«Уралочка», Ленинградан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг «Ўзбекистон ССР атласи» авторлари билан учрашуви (такрорий). 12.00 «Зудлик билан таклиф этилади». «Зиновьев билан учрашувлар». Телефильмлар. 13.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 13.30 «Шеърият дафтиридан». 14.00 «Мушукларнинг катта эртаги». Болалар учун фильм-спектакль (рус.).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Туғилган кун», «Эртак бошланади». Кўғирчоқ фильмлар. 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ контроли экранн». 20.15 «Тентек қуйнладиган жойда». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти композитор З. Ҳақназаров олиб боради. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 Ў. Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 3-қисм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент Давлат университети ректорати, партия ташкилоти ва химия факультети коллективи катта илмий ходим О. Асановга онаси

Уштап

БУРАНБАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19 фан маънаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; аълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчерн 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

24 ДЕКАБРЬ 1981 й. Р— 07483. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.